

ЭҲТИМОЛЛИКЛАР НАЗАРИЯСИ

Эркинова Гулмира

Синдарова Раҳима

Mирзо Улугбек номидаги ЎзМУ Жиззах филиали талабалари

Аннотация: ушбу мақолада эҳтимолликлар назариясида ходиса, А ва В тасодифий ҳодисаларнинг турли хил вазиятлардаги турлари, эҳтимолликнинг хоссалари ва эҳтимолликларни бевосита ҳисоблашда қўпинча комбинаторика формулаларидан фойдаланиш ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: эҳтимолликлар назарияси, ҳодиса, эҳтимолликнинг хоссалари, комбинаторика.

Эҳтимолликлар назариясида ҳодиса деб, синов натижасида рўй бериши мумкин бўлган ҳар қандай фактга айтилади. Эҳтимолликлар назарияси — статистика ва математика соҳасидаги муҳим концепция бўлиб, у тасодифий воқеаларнинг пайдо бўлиш эҳтимолини ўрганади. Бу назария, хусусан, маълумотларни анализ қилиш, қарор қабул қилиш, моделлаштириш ва прогноз қилишда кенг қўлланилади.

Эҳтимолликлар назариясининг асосий принциплари

- **Бошқа ҳолатларнинг мустақиллиги:** Агар икки тасодифий воқеа бир-бирига таъсир қилмаса, улар мустақил деб аталади.
- **Қўшилиш принципи:** Агар икки ҳодиса бир-бирига тўғри келмаса (яъни уларнинг ҳамма натижалари ўзаро муқобил), уларнинг умумий эҳтимоли алоҳида эҳтимолларини қўшиш орқали аниқланади.
- **Кўпайтириш принципи:** Мустақил ҳодисаларнинг умумий эҳтимоли уларнинг индивидуал эҳтимоларини кўпайтириш орқали аниқланади.

Синов натижасида албатта рўй берадиган ҳодиса муқаррар (U) ҳодиса дейилади.

Синов натижасида ҳеч качон рўй бермайдиган ҳодиса мумкин бўлмаган (V) ҳодиса дейилади.

Синов натижасида рўй бериши ҳам, рўй бермаслиги ҳам мумкин бўлган ҳодиса тасодифий ҳодиса дейилади.

Синовнинг хар қандай натижаси элементар ҳодиса дейилади.

Агар битта синовнинг ўзида А ва В тасодифий ҳодисалар бир вақтда рўй бермасалар, улар биргаликдамас (биргаликда бўлмаган) ҳодисалар дейилади.

Агар синов натижасида бир нечта ҳодисалардан фақат биттаси рўй берса, улар ҳодисаларнинг тўла гурухини ташкил этади дейилади.

Агар А ва В ҳодисаларнинг ҳеч бирини иккинчисига нисбатан рўй бериши мумкин дейишга асос бўлмаса, бу ҳодисалар teng имкониятли дейилади.

А ҳодисанинг рўй бермаслигидан иборат бўлган В ҳодиса А ҳодисага қарама-қарши ҳодиса дейилади.

Агар А ва В ҳодисалардан бирининг рўй бериши иккинчинининг рўй бериш ёки рўй бермаслигига таъсир этмаса, бу ҳодисалар ўзаро эркли (боғлиқ бўлмаган) ҳодисалар дейилади. Акс холда А ва В ҳодисалар боғлиқ ҳодисалар дейилади.

Келинг, синаш иатижасида teng имкониятли n та элементар ҳодисалар рўй бериши мункин бўлсин. Бирор A ҳодисанинг рўй бериши учун элементар ҳодисалардан m таси қулайлик туғдирсин. У ҳолда A ҳодисанинг классик эҳтимоллиги

$$P(A) = \frac{m}{n}$$

формула билан аникланади. Эҳтимолликнинг хоссалари:

1. Мукаррап ҳодисанинг эҳтимоллиги 1га teng, яъни

$$P(U) = 1$$

2. Мумкин бўлмаган ҳодисанинг эҳтимоллиги 0 га teng, яъни

$$P(U) = 0$$

3. Тасодифий A ҳодисанинг эҳтимоллиги учун

$$0 \leq P(A) \leq 1$$

ўринли.

Бундан ташқари, эҳтимолликларни бевосита ҳисоблашда кўпинча комбинаторика формулаларидан фойдаланилади.

Ўрин алмашгиришлар деб н та турли элементларнинг бир биридан факат жойлашиши билан фарқ килувчи комбинацияларига айтилади. н та турли элементларнинг ўрин алмаштиришлари сони $P_n = n! \text{га тенг}$ ($n!=1\cdot 2\cdot 3\cdot \dots \cdot n$).

Ўринлаштиришлар н та турли элементдан м тадан тузилган комбинациялар бўлиб, улар бир-биридан ё элементларнинг таркиби, ё уларнинг тартиби билан фарқ қиласди. Уларнинг сони

$$A_n^m = \frac{n!}{(n-m)!} \text{ ёки } A_n^m = n(n-1)(n-2) \dots (n-m+1)$$

формулалар билан топилади.

Группалашлар — бир-биридан ҳеч бўлмагандан битта элементи билан фарқ қилувчи н та элементдан м тадан тузилган комбинациялардир. Уларнинг сони

$$C_n^m = \frac{n!}{m!(n-m)!} \text{ га тенг.}$$

Бу ерда ҳодисанинг нисбий частотасига эътибор берадиган бўлсак, ҳодиса рўй берган синовлар сонининг ўтказилган барча синовлар сонига нисбатига айтилади:

$$W(A) = \frac{m}{n}$$

бунда м — ҳодисанинг рўй беришлари сони, н — синовларнинг умумий сони.

Синовлар сони етарлича катта бўлганда ҳодисанинг статистик эҳтимоллиги сифатида нисбий частотани олиш мумкин:

$$W(A) = P(A) = \frac{m}{n}$$

Эҳтимолликлар назарияси замонавий илм-фан ва техникани ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Ундан фойдаланиш маълумотни таҳлил қилишда ва қарор қабул қилиш жараёнларини такомиллаштиришда ёрдам беради. Бундан ташқари, у нафақат математик ҳисоб-китобларда, балки

ҳаётимизда ҳар куни дуч келадиган тасодифларга боғлиқ жараёнларда ҳам мавжуддир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. В.С.Пугачев. Теория вероятностей и математическая статистика. М., «Наука», 1979.
2. С.Х.Сирожиддинов, Н.М.Маматов. Эхтимоллар назарияси ва математик статистика. Т., «Ўқитувчи», 1980.